

1/2023,
yanvar-
fevral
(№ 00063)



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Рахмонов Норим Раззакович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc). Тошкент, Ўзбекистон. norimrakhmonov@mail.com

ORCID: 0000 0003 2824 3090

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a36

Аннотация

Мақолада Германия, Япония, Жанубий Корея ва АҚШ каби ривожланган мамлакатлар олий таълим тизимининг тўзилиши таҳлил этилган. Олий таълим муассасаларини вазирлик ва маҳаллий ҳукуматлар томонидан бошқариш хусусиятлари тавсифланган. Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва олий таълим муассасаларининг манфаатларини ҳукумат томонидан ҳимоя қилиниши каби ижобий тенденциялар очиб берилган. Олий таълимда вужудга келган муаммоларни ҳал этиш учун ривожланган мамлакатлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил этилган. Мавжуд маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида олий таълим муассасалари фаолиятини стратегик режалаштириш ва мувофиқлаштириш йўналишлари тадқиқ этилган. Олий таълимни ислоҳ этиш йўналишларида давлат ва олий таълим муассасалари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш масалалари баён этилган. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ илмий хулоса ва амалий тавсиялар берилган. **Калит сўзлар:** олий таълим муассасаси (ОТМ), Германия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, олий таълим тизими, таълим сифати.

МИРОВОЙ ОПЫТ ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Рахмонов Норим Раззакович

Доцент Ташкентского государственного экономического университета, доктор экономических наук (DSc). Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В статье представлен анализ структуры системы высшего образования таких развитых стран, как Германия, Япония, Южная Корея и Соединенные Штаты Америки. Описаны особенности управления высшими учебными заведениями министерством и органами местного самоуправления. Выявлены положительные тенденции, такие как политика развитых стран в области высшего образования и защита правительством интересов высших учебных заведений. Проанализированы меры, принимаемые развитыми странами для решения проблем, возникших в сфере высшего образования. Исследованы направления стратегического планирования и координации деятельности высших учебных заведений с целью разумного и эффективного использования имеющихся средств. Описаны вопросы совершенствования отношений между государством и высшими учебными заведениями по

направлениям реформ высшего образования. Даны научные выводы и практические рекомендации, связанные с подготовкой конкурентоспособных кадров в системе высшего образования.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, Германия, Япония, Южная Корея, США, система высшего образования, качество образования.

WORLD EXPERIENCE OF COMPETITIVE STAFF TRAINING IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

Rakhmanov Norim Razzakovich

Associate Professor of Tashkent State University of Economics, Doctor of Economics (DSc). Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The article presents an analysis of the structure of the higher education system of such developed countries as Germany, Japan, South Korea and the United States of America. The features of the management of higher educational institutions by the Ministry and local self-government bodies are described. Positive trends have been identified, such as the policy of developed countries in the field of higher education and the government's protection of the interests of higher education institutions. The measures taken by developed countries to solve the problems that have arisen in the field of higher education are analyzed. The directions of strategic planning and coordination of the activities of higher educational institutions for the purpose of reasonable and effective use of available funds are investigated. The issues of improving relations between the state and higher education institutions in the areas of higher education reforms are described. Scientific conclusions and practical recommendations related to the training of competitive personnel in the higher education system are given.

Keywords: higher education institution, Germany, Japan, South Korea, USA, higher education system, quality of education.

Кириш

Ҳозирда жаҳон миқёсида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг минтақавий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш борасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада турли шарт-шароитлар билан тафовутланувчи минтақаларда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг инновацион моделларини яратиш, иқтисодиётнинг юқори малакали мутахассисларга нисбатан тез ўзгариб боровчи эҳтиёжини кадрлар тайёрлашнинг мавжуд имкониятлари ҳамда салоҳияти билан мувофиқлаштириш муаммолари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш керакки, минтақаларда кадрлар тайёрлашнинг сифати ва салоҳиятини инновацион-инвестицион механизмларини моделлаштириш ҳамда прогнозлаш жараёнларини янада такомиллаштириш бу борадаги муҳим илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, уларни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, таълимнинг минтақавий хусусиятларини эътиборга олиш, ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Олий таълимнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири инновацион тараққиётнинг етакчи омилига айланиб бормоқда. Шундай бўлсада,

жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари муҳтож бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун махсус фондларни ташкил этиш, олий таълим муассасаларига ажратилган молиявий ресурсларни ишлатиш тартибини қайта кўриб чиқиш, аудит натижаларига асосланиб молиявий ресурслар ажратилиши лозим бўлган устувор йўналишларни аниқлаш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Бу эса таълим сифатини таъминлаш ва баҳолашнинг самарали методлари ва мезонларини шакллантириш, фан дастурларининг мазмуни ва натижавийлигини баҳолаш, профессор-ўқитувчилар таркибини такомиллаштириш, ўқув жараёнларининг самарали ташкил этиш ва замонавий инновацион таълим технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим муассасаси, талабалар, битирувчилар, иш берувчилар ва жамоатчилик ўртасидаги қайта алоқани ривожлантириш, олий таълим муассасаси битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда бир қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш концепциясида “таълим тизимини бошқариш, таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш механизмларини амалиётга жорий этиш” [1] долзарб вазифа этиб белгиланган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, “инсон капитали” дунё миллий бойлигининг 64 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо юқори даромадли мамлакатларда 70 фоиз, ўрта юқори мамлакатларда 58 фоиз, қуйи даромадли мамлакатларда 41 фоизни ташкил этмоқда” [2]. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари асосида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш механизми такомиллаштирилган [3]. Олий таълим тизимини режалаштириш, истиқболли кўрсаткичларни белгилашда менежментнинг ўрни бўйича илмий ёндашувлар ишлаб чиқилган ҳамда олий таълим тизими кадрлари сифатини ошириш бўйича молиявий-иқтисодий, ижтимоий, техник, экологик баҳолаш механизми асослаб берилган [4]. Минтақалар даражасида аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини рейтинг баҳолаш ишлари амалга оширилган [5]. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, инвестицион самарадорликни ошириш ҳамда олий таълим тизимида сифатни баҳолашнинг халқаро механизми асосида миллий стандартлар белгилаб берилган [6].

Жаҳонда минтақавий хусусиятлар ва омилларни эътиборга олган ҳолда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқотларни: минтақалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш; иқтисодиётнинг юқори малакали мутахассисларга нисбатан тез ўзгариб боровчи эҳтиёжини кадрлар тайёрлашнинг мавжуд имкониятлари ҳамда салоҳияти билан мувофиқлаштириш; минтақа ва олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш уйғунлигининг сифати ва самарадорлигини имитацион моделлаштириш ҳамда прогнозлаш жараёнларини мақсадли эҳтиёж ва кадрларга бўлган талабнинг таркиби асосида такомиллаштириш каби йўналишларга ажратиш мумкин.

Бизнингча, бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим тизимининг шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари, унинг жаҳондаги таълим тизимига интеграциялашувининг устувор йўналишлари, меҳнат бозори билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, олий таълим муассасаларининг ҳудудий хусусиятларини эътиборга олиб, таълим сифатини ошириш ҳамда бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот методологияси

Мазкур ишда олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш учун кўп ўлчамли иерархик таснифлаш усули қўлланилди. Натижада, ривожланган мамлакатларнинг олий таълим тизими билан бевосита ва билвосита боғланган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мажмуали таҳлил этиш имконияти вужудга келади.

Таҳлил ва натижалар

Дунёда таълим соҳаси, биринчидан, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи етакчи омилга айланди, иккинчидан эса, аҳолининг билим даражаси, таълим ва фан инфратузилмасининг ривожланганлиги, янги билимлар, инновация фаолияти, ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар иқтисодиётни барқарор ва самарали ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Таълим тизимининг шаклланиши жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида мамлакатларнинг халқаро меҳнат ва янги технологиялар бозорларига кириб боришининг воситасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан жаҳон таълим тизими юқори даражадаги рақобатга асосланган, дейишимиз мумкин. Ушбу ҳолат ривожланган мамлакатларда таълим тизимини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилишига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида таълим тизими фан соҳаси билан ҳамкорликда билим бериш, илғор фан-техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш, миллий иқтисодиётимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли йўналишларида инновацияларни яратади, натижада миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлайди. Бу ҳолатни эса таълим тизимидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда ва илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқишда эътиборга олиш зарур.

Бугунги кунда хориж мамлакатларида таълим соҳасидаги рақобатнинг кучайиши иқтисодиётнинг асосий ўсиш манбасига айланган. Таълим иқтисодиётини тадқиқ этаётган америка олимларининг маълумотларига қараганда, миллий даромаднинг 15-20 фоизи таълим соҳасига тўғри келади, 20-40 фоиз иқтисодиёт ўсишида илмий билимларни такомиллаштириш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, бу жараёнда олий таълим муассасаларининг ўрни беқиёс, ғарб мамлакатларида асосий фундаментал тадқиқотлар айнан олий таълим муассасаларида (ОТМ) олиб борилади. Ҳозирги вақтда ўрта ҳисобда меҳнатга қобилиятли кишиларнинг 32 фоизи (25-26 ёшлилар) тугалланган олий маълумотга эга. Олий маълумотли кишиларнинг энг кўп улуши Канада (43 фоиз), АҚШ (38 фоиз) ва Японияда (36 фоиз), энг кам улуши – Мексика (6 фоиз), Туркия ва Португалияда (9 фоиз) қайд этилган [7].

Германида олий таълим асосини давлатга қарашли бўлган ОТМлар ташкил этади. Хусусий ОТМларнинг охириги йилларда жадал ривожланишига қарамаздан уларнинг таълим тизимидаги улуши жуда кам. Улар, биринчидан, меҳнат бозоридаги талабни

қондиришга йўналтирилган катта бўлмаган ОТМлардир, иккинчидан, хусусий компанияларнинг молиявий кўмаги ёрдамида ташкил этилган ёки корпоратив таълим муассасаларидир.

Олий касбий ўқув юртларининг ОТМлардан фарқи, уларнинг ихтисослашган ўқув муассасалари эканлиги ва кўлами бўйича ОТМларга нисбатан кичик бўлганликлари ҳамда ўқишнинг ўртача давомийлиги беш йил бўлиб, магистратура – 1, 1,5 ва 2 йил, бакалавр – 3, 3,5 ва 4 йил, докторантура-2 йилдан 3 йилгача эканлигидир. Мамлакатда 60 фоиз давлат ОТМлари, хусусий ОТМлар 30 фоиз, черков тасаруфида 10 фоиз ОТМлар мавжуд бўлиб, уларда 1,8 млн. нафар ёки ёшларнинг 32 фоизи тахсил олади. ОТМлар ичида 96 таси университетлар бўлиб, уларда талабаларнинг 72,9 фоизи ўқийди [8].

Германияда олий таълим тизими маҳаллий ҳукуматлар томонидан бошқарилади. Улар, биринчидан, олий таълим тизимини ривожлантириш ва улар шу жумладан, олий ўқув юртларини бошқариш бўйича тўлиқ автономияга эгадирлар, иккинчидан, олий таълим муассасаларига кириш талаблари, ўқув режалари доираси, синов тизими, профессор-ўқитувчиларнинг штат жадвали ва иш ҳақини тўлаш тизимини назорат қиладилар.

Маҳаллий органларнинг олий таълим тизимини бошқариш бўйича фаолиятини ҳудудий таълим ва маданият вазирликлари конференцияси мувофиқлаштиради. Унинг таркибида олий таълим соҳасидаги сиёсат ва бошқарув қўмитаси фаолият юритади. Ҳукумат билан алоқаларда олий таълим муассасаларининг манфаатларини олий мактаб ректорлари ва президентлари конференцияси ҳимоя қилади. Ушбу орган турли федерал ва маҳаллий вазирликлар ва таълим тизими ўртасида воситачи бўлиб ҳисобланади. “Таълим тизимини ва тадқиқот ишларини ривожлантириш” федерал ҳудудий комиссияси ҳукумат даражасида ҳаракат қилувчи қўшма органдир. У мамлакат миқёсида таълим тизимини ривожлантиришнинг умумий масалалари ва илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларининг бошқарув тузилмаси ва усулларини такомиллаштириш билан “Олий мактабнинг ахборот тизими” деб номланган, маҳаллий ва федерал ҳукуматлар томонидан молиялаштириладиган махсус орган шуғулланади. Германияда 1978 йилда Олий таълим тўғрисида қонун қабул қилинган. Демак, Германияда олий таълимни бошқариш давлат миқёсида номарказлаштирилган хусусиятга эга, бироқ маҳаллий миқёсда ўта марказлаштирилгандир.

Умуман олганда, олий таълимни молиялаштиришда ҳукуматнинг улуши 8 фоизни, ҳудудий ҳукуматларнинг улуши 90 фоизни, алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг улуши 2 фоизни ташкил этади [8]. Германияда олий таълимга йўналтирилган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 1,2 фоизига тенгдир [9]. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш жараёни кўп босқичли, мураккаб жараён ҳисобланади. Бунда ҳар хил даражадаги ҳукумат органларининг назорати асосий ўрин эгаллайди.

Глобаллашув жараёни Европа Иттифоқида олий таълим тизимини унификациялаш, Германияда эса олий таълим тизимини ислоҳ этиш заруриятини келтириб чиқарди. Унинг мақсади олий таълим тизимида рақобат муҳитини

шакллантириш ва таълим олиш сифатини оширишни рағбатлантириш механизмларини татбиқ этишдан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқиш вақтининг керагидан ортиқ давомийлиги, талабаларни ўқишдан четлаштириш даражасининг юқорилиги, ўқитишнинг биринчи босқичида битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзиш жараёнидаги илмий раҳбарликнинг етарли даражада самарали эмаслиги, мамлакат олий таълим тизими халқаро рақобатбардошлигининг пасайиши олий таълим тизимини ислоҳ этиш заруриятининг сабаблари бўлиб ҳисобланган.

Германияда ушбу камчиликни бартараф этиш ва олий таълимни ислоҳ этиш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- олий ўқув юртларига жамият томонидан қўйиладиган мақсад ва вазифалар доираси кенгайтирилди. Унга узлуксиз таълим доирасида малака ошириш дастурлари, илмий ва техник билимларни ёйиш, шунингдек талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби вазифалар киритилди;

- ўқитувчилик ва илмий-тадқиқот фаолиятини ҳамда ўқитиш сифатини доимий равишда баҳолашда талабалар ҳам қатнашишлари лозим, деб топилди. Баҳолаш натижалари эълон қилиниб туриши эса абитуриентларга олий ўқув юртини танлашга, ўқитиш мазмуни ва шакллари ривожлантиришга ёрдам бериш, олий таълим муассасаларининг фаолият натижаларига қараб ресурсларни самарали тақсимлаш мақсад қилиб олинди;

- айрим университетларда тажриба тариқасида бюджетнинг номинал тизими (моддаларсиз умумий бюджет) татбиқ этилмоқда. Молиялаштиришнинг ушбу янги тизими, биринчидан, олий таълим муассасаларига маълум даражада мустақиллик беради, иккинчидан, олий таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини қаттиқ назорат қилишга имкон беради, учинчидан, олий таълим муассасаларининг фондларни тақсимлаш борасидаги эркинлик доирасини кенгайтиради. Бу эса молиявий бошқариш самарадорлигини оширади ва маблағларни сарфлашда ошкораликни таъминлайди;

- бюджет маблағларини тақсимлаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган. Хусусан, битирувчилар сони, тадқиқотларга қўшимча маблағларнинг келиб тушиши, ҳимоя қилинган диссертациялар сони, биринчи босқичдаги талабалар сони, илмий ходимлар ставкаларининг миқдори. Бу кўрсаткичлардан фойдаланиш бюджет маблағларини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Японияда олий таълим тизими тарихий жиҳатдан немис модели таъсирида шаклланган. Ташкилий жиҳатдан таълим вазирлиги томонидан марказлаштирилган бошқарув ОТМларнинг автоном фаолият юритиши билан уйғунлаштирилган.

Докторантура, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари ОТМ раҳбариятидан ҳолидир. Улар таълим вазирлиги томонидан бевосита бошқарилади. ОТМ ректорлари ўзига хос конфедератив бирлашмаларнинг фахрий раҳбарлари бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга квазиавтоном тизим таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосида фаолият юритади. Академик бўлимлар бошлиқлари таълим вазирлигининг сиёсатини ҳаётга татбиқ этувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Японияда уч хил ОТМлар фаолият юритади. Булар миллий, муниципал ва хусусий ОТМлардир. Япониянинг 137 та миллий университетларида 628,1 минг талаба таҳсил

олади. Бу барча талабаларнинг 20 фоизини ташкил этади. Ушбу турдаги университетларнинг 75 фоизини давлат бюджетидан молиялаштирилади. Талабаларнинг асосий қисми (76 фоизи) хусусий ОТМларда ўқийдилар. Хусусий ОТМларнинг сони 965 тани ташкил этади. Улар хусусий манбалар орқали молиялаштирилади. Бундан ташқари, Японияда 122 та муниципал олий таълим муассасалари фаолият юритади. Улар маҳаллий ва ҳудудий ҳукуматлар томонидан бошқарилади [10].

Охирги йилларда амалий билимларга ва юқори малакали мутахассисларга муҳтож бўлган япон корпорациялари олий таълим тизимини ислоҳ этишни талаб қилиб чиқдилар. Ислоҳотлар олий таълим тизимида бозор рақобатини рағбатлантиришга асосланган муносабатларни таъминлашга қаратилган.

Японияда амалга оширилаётган олий таълим тизимини ислоҳ этиш тадбирлари ОТМларнинг автоном тарзда фаолият юритишини кучайтириш, уларнинг раҳбарларига бюджетни шакллантириш ва кадрларга ҳақ тўлаш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янги курсларни очиш масалаларида қарорлар қабул қилиш бўйича мустақиллик беришни назарда тутди.

Маълумки, Жанубий Корея 1910 йилдан 1945 йилгача япон мустамлакаси ҳисобланган. Жанубий Кореяни ёппасига саводсизга айлантириш сиёсати натижаси ўлароқ, 1944 йилги Архив қўмитаси маълумотларига қараганда, ўша пайтда саводхонлик даражаси бор-йўғи 13,8 фоизни ташкил этган. 1945 йили Иккинчи Жаҳон уруши билан бирга Жанубий Кореядаги япония мустамлакачилиги ҳам тугади. Эндиликда Жанубий Кореяда табиийки, бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ўзгартириш вазифаси турарди (1-жадвал).

1-жадвал

Жанубий Кореяда таълим тизими [11]

Босқичлар	Таълимнинг давомийлиги	Мажбурийлиги
Бошланғиш мактаб	6 йил	Мажбурий
Ўрта мактаб	3 йил	Мажбурий
Юқори мактаб	3 йил	Мажбурий эмас
(Касбий таълим) Коллеж	2 йил	Мажбурий эмас
(Олий таълим) Университет	4 йил	Мажбурий эмас

Жанубий Кореяда энг аввало “Таълимни ривожлантириш қўмитаси” ташкил этилди ва қўмита олдида дарсликлар яратиш мажбурияти қўйилди. Таълим тизими тадқиқ этилиши давом эттирилиб, ахлоқ, этика, техникага оид фанлар киритилди. 1963 йиллардан бошлаб эса таълим тизимида табиий ва ижтимоий фанларга эътибор кучайди. 1981 йили Биринчи Президент Чон Ду Хван мамлакатда шахсий таълим бериш ва хусусий таълим масканлари фаолиятини қонунан таъқиқлаб қўйди. Лекин мактабда мустақил шуғулланиш учун имкониятлар яратиб берди. 1992 йилга келиб эса бошланғич мактаблар фаолияти янада ривожланиши учун ҳукумат томонидан бир қанча имтиёзлар берилган.

Юқори мактабнинг 1-курсига ўқувчилар 17 ёшдан қабул қилиниб, 19 ёшгача ҳақсил оладилар. Юқори мактаблар бир неча турларга бўлинади: давлат юқори

мактаблари (Корея Таълим ва Техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради); Умумий юқори мактаблар (ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади); хусусий юқори мактаблар. Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади: умумий мактаблар; ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот); махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб); техника мактаблари; чет тили мактаби; жисмоний тарбия мактаби; санъат мактаблари.

Жанубий Кореяда Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади. Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас, бироқ 2005 йилги маълумотларга қараганда 97 фоиз корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар (2-жадвал). Бу жуда юқори кўрсаткичдир. Жанубий Кореянинг энг машҳур ОТМлари: Сеул миллий университети, Корея Адвансед Институти, Пусан миллий университети, шунингдек хусусий ОТМлардан: Корейс университети, Поҳанг университети, Йонсеи университети, Соганг университети, Ҳанйанг университети, Сунгкйунван университети ва Воманс университети.

2-жадвал

Жанубий Кореяда олий таълим тизими [11]


Муассаса	Бериладиган маълумот
Коллеж	Касбий маълумот
ОТМ	Олий маълумот

Бугунги кунда АҚШ томонидан амалга оширилаётган “Таълимнинг миллий мақсадлари” дастури шуни кўрсатадики, таълим иқтисодий қудрат ва хавфсизлик, фан, маданият, санъатнинг ижодий салоҳияти ҳамда Американинг XXI асрдаги жаҳон рақобатбардошлигини таъминловчи калитидир [11].

ОТМ ва талабалар сони жиҳатидан АҚШ жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. 1995 йилда АҚШда 3501 та ОТМ бўлиб, шундан 1548 таси давлат ва 1953 таси нодавлат ҳисобланган, бу кўрсаткич 2014 йилги маълумотларга кўра 4599 тага етган [11]. АҚШ ҳукумати XIX аср охирларида ҳукмрон бўлган европа таълим тизимини такомиллаштириб, кўп босқичли, аммо университет тоифасидаги олий таълим тизимини яратди. АҚШ олий таълим тизимини пастки тоифасига икки йиллик коллежлар қиради, коллежлар сони - 1382 та, шундан 958 таси давлат ва 424 таси нодавлат таълим муассасаси ҳисобланади. Бу коллежлар йўналишидан келиб чиқиб: техник ёки ўсмирлар коллежи ва маҳаллий коллежларга бўлинади. Маҳаллий коллежлар, техник коллежларга нисбатан нафақат касб ўргатади, балки университет таълим тизимининг биринчи 2 йиллик дастурини ҳам қоплайди. Коллеж битирувчилари ассоциатив даражани олган ҳолда, ОТМларга ўқишга киришлари мумкин бўлади. Олий таълим тизимидаги ўрта тоифадаги муассасалар - 4 йиллик коллежлар сони АҚШда 1963 та бўлиб, ундан 496 таси давлат ва 1467 таси нодавлат коллежлар ҳисобланади (1-расм).

Олий таълим муассасаларининг илғор тоифаси ҳисобланувчи - университетларнинг сони 156 та бўлиб, ундан 94 таси давлат ва 62 таси нодавлат университетлари ҳисобланади, уларда талабаларнинг 40-45 фоизи таълим олади. АҚШ

олий таълим тизими марказлашмаган тизим бўлиб, давлат органи АҚШ олий таълим тизимини ягона давлат таълим стандартлари ва дастурлари билан таъминламайди. Университетларда абитуриентларни танлаш мезонлари, талабаларга молиявий кўмак кўрсатиш хизматлари каби барча академик масалалар шакллантирилади.



1-расм. АҚШ таълим тизими [11]

ОТМларга тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган мактаб битирувчилари кириши учун мактаб дипломи тақдим этилади, кириш учун тестлар топширишдан ташқари, умумий ўрта балли ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади, қабул жараёнида ўқитувчиларнинг тавсиялари муҳим ҳисобланади. Бакалавр даражасини олмоқчи бўлганларнинг инглиз тили билим даражаси бўйича тест натижалари камида 500-550 балл ва асосий фанлар бўйича тест натижалари 700-800 балл бўлиши шарт.

Магистратура даражасини олмоқчи бўлган талабалар эса СРЕ тестини топширишлари керак. АҚШ ОТМларида талаба факултет ва кафедрага қабул қилинмайди, балки бакалавр дастурини танлайди, диплом учун зарурий кредитларни 30 фоизини жамлагандагина ўз мутахассислигини биринчи курсдан кейин танлайди. Америка университетларида йилига тахминан 38 минг мутахассисларга олий илмий даражаси берилади.

АҚШ олий таълим тизимининг хусусиятларидан бири ўқув жараёнида ўқитувчи бор ахборот манбаси бўлиб ҳисобланадиган талабани мустақил билим олишга ўргатади, қобилиятларини очишга йўналтиради, индивидуал ўқув режалари, иқтидорли талабалар учун дастурлар, фанларни танлаб ўрганиш, бир вақтда 2 та факультет ёки 2 та ОТМда ўқиш, тезда ўқитиш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш каби механизмлар ишлаб чиқилган. Талабалар билимини баҳолашни ташкил этиш ва назорат қилиш кўп босқичли бўлиб: семестр ишида семинар машғулотларида 4-6 марта қисқа сўровлар ўтказиш, бир семестрда маъруза ўтказилган курслар бўйича 2-3 марта ёзма имтиҳон олиш, якуний семестр имтиҳонларини ўз ичига олади, баҳолаш тизими “5” балли бўлиб, алфавит ҳарфлари билан белгиланади.

АҚШ профессор-ўқитувчилар таркиби 4 даражага бўлинади: магистр даражасида инструктор лавозими 1-даража (университетни битирган магистр 1 йилга қайта тайинланиш шarti билан танлаб олинади), ассистент-профессор лавозими 2-даража (доктор илмий даражаси бор шахслар 3 йил муддатга қайта тайинланади, у

Ўзини яхши педагог ва тадқиқотчи этиб кўрсатса ассоциатив-профессор лавозимига тайинланади, 10 йил ишлагандан сўнг энг олий академик лавозим - тўлиқ профессор лавозими таклиф этилади. Таркиб 1- ва 2-даражаларда доимо янгиланиб, вақт меъёрида ўзгартирилиб турилади ва қолган 2 даража лавозимларида умрбод қолиш имконияти бор (2-расм).



2-расм. АҚШда олий таълим тизими [11]

АҚШ олий таълими жаҳонда мукамал ва самарали таълим тизимларидан бири бўлиб, кўпроқ бозорга йўналтирилган. Олий таълим сифатининг назорати АҚШ коллеж ва университетлари аккредитацион ҳайъати томонидан ташкил этилади.

АҚШ нинг олий таълим тизими қуйидагилар билан тавсифланади: олий ўқув юртларининг кенг автономияси ва улар фаолияти устидан қаттиқ марказлаштирилган давлат назоратининг йўқлиги; давлат ва хусусий секторларнинг мавжудлиги; молиялаштиришнинг кўп манбалиги; олий таълим тизимида рақобат муҳитининг шаклланганлиги сабабли унинг юқори самарадорликка эга эканлиги. Ҳозирги даврда АҚШ олий таълим тизимида 3,6 мингта турли олий ўқув муассасалари киради. АҚШ олий таълим тизимида хусусий олий таълим муассасаларининг сони давлатга қарашли олий ўқув юртлар сонига нисбатан кўпроқ. Бироқ давлатга қарашли олий ўқув юртларида барча талабаларнинг 64 фоизи таҳсил олади [12].

АҚШда олий таълимни молиялаштириш кўп манбалилиги билан ажралиб туради. Хусусий олий ўқув юртларида молиялаштиришнинг учдан бир қисми давлат томонидан амалга оширилади, қолган қисмини эса талабаларнинг таълим олганликлари учун тўловлари ташкил этади. Давлатга қарашли бўлган университетлар харажатларининг 45 фоизи штатлар бюджетидан, 11 фоизи эса давлат бюджетидан қопланади [13].

Умуман олганда, жаҳон амалиётида давлат ва олий ўқув юртлар ўртасидаги муносабатлар шартнома тизими асосида олиб борилади. Ҳар бир олий ўқув юрти ўзининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади. Бу стратегия ўз ичига ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган техник воситалар, кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш учун зарур бўлган ресурсларни баҳолашни олади. Шунингдек, таълим вазирликлари ОТМларни бошқаришни номарказлаштириш, таълим соҳаси ривожланишини стратегик режалаштириш, таълим сифатини таҳлил этиш, мувофиқлаштириш, баҳолаш ва назорат қилиш вазифаларини бажаради ва қолган вазифалар эса маҳаллий бошқарув органлари ихтиёрига берилган. Олий таълим муассасалари ўртасида рақобатни кучайтириш учун давлатга қарашли бўлган ва хусусий ОТМ ўртасидаги тенгсизликни бартараф этиш, маҳаллий ҳукумат органлари, тадбиркорлик уюшмалари ёки тадбиркорлар бирлашмалари томонидан олий ўқув юртларини барпо этишни рағбатлантириш чоратадбирлари ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар

Германия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ олий таълим тизимларининг тузилиши, бошқаруви ва молиялаштириш тизимларида маълум даражадаги фарқлар мавжуд. Бироқ шунга қарамасдан уларнинг асосий белгилари бир-бирига мос келади. Уларни қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- глобаллашув жараёни таъсирида мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш олий таълим тизимини ислоҳ этиш ва доимий равишда рўй бераётган ўзгаришларга мослаштириб бориш зарурлигининг тан олинishi;

- олий таълим тизимини бошқаришни номарказлаштиришнинг зарурлиги, давлат органларини томонидан бошқаришни маъмурий усуллардан билвосита, яъни иқтисодий усулларга ўтказишнинг зарурлиги;

- таълим соҳасида олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, олий ўқув юртлар фаолиятини стратегик менежмент асосида олиб боришнинг зарурлиги;

- мамлакатлар аҳолисининг барча қатламларига олий таълим олишга тенг имкониятларни яратиш асосида олий таълимни оммавийлаштириш, олий таълимни молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этишга ҳаракат қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш;

Хорижий мамлакатларда олий таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги қўйидаги тажрибалар бизнинг мамлакатимиз учун аҳамиятлидир:

1. Олий таълим тизимини бошқаришни марказлаштириш ва номарказлаштириш ўртасида оқилона нисбатни топиш ва бошқарувда иқтисодий усулларга ўтиш;

2. Таълим тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш механизмини такомиллаштириш;

3. Олий таълим тизимини ислоҳ этиш ва доимий равишда рўй бераётган ўзгаришларга мослаштириб бориш орқали таълим сифатини ошириш;

4. Олий таълимни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш.

Албатта, бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос келадиган узлуксиз таълим тизими барпо этилди. Бироқ, таълим сифатини ошириш, таълим соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш, жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнига мослашиш масалалари ҳали ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Таҳлил этилган мамлакатларда олий таълимни ривожлантириш, уни ташқи муҳитга мослаштириш, самарадорлигини ошириш борасидаги мавжуд муаммолар у ёки бу даражада бизнинг мамлакатимиз таълим тизимига ҳам хосдир. Шу боис бу борада уларнинг тажрибаси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш концепцияси.
2. Lange Clenn-Marie, Quentin Wodon and Kevin carey eds/ 2018/ The changing Wealth of nations 2018. Bulding a sustainable Future Washington, DC World Bank. Doc. 10.1596/978-1-4648-1046-6 P8.
3. Barrow Lisa, Rouse Cecilia Elena. "Financial Incentives and Educational Investment: The Impact of Performance-Based Scholarships on Student Time Use" WORKING PAPER #32 EDUCATION RESEARCH SECTION PRINCETON UNIVERSITY AUGUST 2013
<http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp01rf55z7823>
4. Ewan Ferlie. "The "Steering" of Higher Education Systems: A Public Management Perspective" CPSO, School of Management, Royal Holloway University of London.
<https://spire.sciencespo.fr/.../musselin-ferlie-sun-intro-book-j>
5. Жильцова С. Образование как фактор конкурентоспособности стран БРИКС. – М.: ФИНАНСОВАЯ ЖИЗНЬ, 2016. – С. 82-93.
6. Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида): и.ф.н. дис. автореферати. - Т.: ЎЗМУ, 2012. - 26 б.
7. Рустамова Д.Д. Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимини бошқариш ва молиялаштириш тажрибалари.// Ж. Таълим, фан ва инновация. – Т.: № 2, 2015. –Б. 28.
8. Житовская И.Г. Проблемы развития высшего образования ФРГ// Ж. Экономика образования. – М.: № 3, 2004. – С. 93-95.
9. www.ambafrence.ru/rus/looks/number2000. p. 3.
10. Higher education in Japan in 2011. FY2011 Quick report of school basic Survey
11. Усмонов Б.Ч. Ривожланган давлатларда олий таълими тизими// Ж. Таълим, фан ва инновация. – Т.: № 1, 2015. – Б. 7-9.
12. Архипова В.Г. Развитие высшего образования: зарубежный опыт// Ж. Высшее образование. – М.: № 5, 2002. – С. 19.
13. Архипова В.Г. Конкурентоспособность американской экономики и высшее образование// Ж. Экономика образования. – М.: № 5, 2005. – С. 142.
14. Sotvoldiev N.J. Economic diagnostics of the quality of higher education and the basics of its modeling// J. South Asian Journal of Marketing & Management Research. - India: Issue 8, 2019. - pp. 79-88.